

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

2009 йил 29 МАЙ, ЖУМА

XXXI сандоси
аср
БАРЧА МАНБАЛАРДАН
ОЛИНГАН СЎНГИ ХАБАРЛАР

МАМЛАКАТИМИЗДА

● Бугун Гулистон шаҳрида умумтаълим мактаблари ўқувчиларининг «Умид ниҳоллари — 2009» спорт мусобақаларининг республика босқичи бошланди. Унда вилоят босқичларида голиб чиққан 1792 нафар спортчи-ўқувчи спортнинг 12 тури бўйича ўзаро беллашади.

● «Камолот» ЁИХ қошидаги «Камалак» болалар ташкилоти ташаббуси билан Тошкент вилояти, Бўстонлик туманидаги «Семурғ» болалар соғломлаштириш оромгоҳида «Ватан, дўстлик ва халқпарварлик учун!» шиори остида анжуман бўлиб ўтди. Тадбирда тажрибали мураббийлар бошчилигида «Олтин мерос», «Маънавият ва маърифат», «Ватанпарварлик», «Меҳр-шафқат», «Умид», «Экосан» ва «Соғлом авлод учун» каби етти та йўналишда ўқув семинарлари ташкил этилди.

● Пахтабод туманида туман прокуратураси ва бандликка қўмаклашувчи марказ томонидан ташкил этилган меҳнат ярмаркасида 28 та корхона ва ташкилот, фермер хўжаликлари ўзларининг бўш иш ўринларини таклиф этдилар. Ярмарка давомида 81 нафар ёшлар ўзлари хоҳлаган соҳа бўйича ишга жойлашди, 8 нафар хотин-қиз эса «Уста-шогирд» йўналиши бўйича хунар ўрганишга жалб этилди.

● Тошкент шаҳар табиатни муҳофаза қилиш қўмитасида Ўзбекистон Экологик ҳаракати ҳамда Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси ҳамкорлигида умумжаҳон биохилма-хиллик кўни муносабати билан давра суҳбати ташкил этилди.

● Навоий шаҳридаги «Фарход» маданият саройида «Интеллектуал мулк объектларининг ҳуқуқий муҳофазаси» мавзусида семинар бўлиб ўтди. Анжуманда мутахассислар томонидан иштирокчиларга интеллектуал мулк объектлари муҳофазасига оид қонунийлик базаси ва соҳадаги янгиликлар ҳақида атрофлича маълумот берилди.

● Қоракалпоғистон Республикаси «Хунарманд» бошқармаси олис туманлардаги ишсиз хотин-қизларни миллий тўқувчиликка ўргатиш бўйича семинар-тренинг ўтказди.

● Андижон шаҳридаги Алишер Навоий номидаги маданият ва историко-боғида «Мутахассислик — сенинг келажакнинг» мавзусидаги кўргазма бўлиб ўтди. Фестивалда асосан жорий йилда 9-синфни тугаллаётган 3 минг нафарга яқин ўқувчи ва ота-оналар иштирок этди.

ЖАҲОНДА

● Молдова парламенти 28 майга белгиланган Президент сайловларини 3 июнга кўчиришга қарор қилди.

● Варшава Украинанинг Европа Иттифоқига аъзо бўлишини истаб, Грузияни НАТО ва ЕИнинг стратегик ҳамкори сифатида эътироф этмоқда. Бу ҳақда Польша Бош вазирини Дональд Туск маълум қилди.

● Бугун «Союз ТМА-15» космик кемаси Коинотда Халқаро космик станцияси билан муваффақиятли туташди.

● Бутунжаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг маълум қилишича, жаҳоннинг 52 мамлакатиде А/Н1 N1 вируси билан касалланганлар сони 15,1 минг кишига етди.

● Халқаро Букер мукофотининг хайъати мукофотнинг янги соҳибни номини эълон қилди. Ушбу нуфузли мукофот канадалик 77 ёшли таниқли ёзувчи Элис Мунрога насиб этди.

● Япония Сомали соҳилларига қароқчилар билан курашиш мақсадида РЭС русумли икита денгиз разведка самолётини юборди. Мазкур самолётлар 2009 йилнинг мартидан буён Адан кўрғазиде кўриқлаш ишларини давом эттираётган Япониянинг икита эсминецига қўмаклашади.

● Кеча Гондурас қирғоқларида Рихтер шкаласи бўйича 7,1 балли кучли зилзила содир бўлди. Цунами прогнози қилиш маркази мутахассисларининг билдиришларича, мазкур зилзила оқибатида Гондурас, Белиз ва Гватемала қирғоқларида Тинч океанидан цунами хуружи хавфи туғилди.

● Россия чегарачилари Абхазия чегараларини тўлиқ кўриқлашга киришдилар.

● Покистоннинг Лаҳор шаҳрида йирик кўпурвучлик ҳаракати содир этилди. Худуддаги полиция бошқармасида портлаш юз берган бўлиб, кейин бино ўққа тутилган. Сўнгги маълумотларга кўра 30 киши ҳаётдан кўз юмган, 150 нафарга яқин киши турли даражадаги тан жароҳатларини олган. Ушбу хунрезликни «Толибон» ҳаракати амалга оширгани тахмин қилинмоқда.

● Франция ҳукумати яқин фурсат ичида мактабларнинг бошланғич синфларида уяли телефонлардан фойдаланишни тўлиқ тақиқлаш мумкин. Бунда тақиқлов нафақат синфларга, балки ўқув муассасаларининг бутун худудига жорий этилади. Шу тарихда Франция маъмурилари келажак авлодни электроник муҳитда кўриқлаш ҳақидаги мутахассисларнинг таъсиридан сақлаш борасидаги махсус дастурни ҳаётга татбиқ этдилар.

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ



Қўшма корхоналарда

ТЕЖАМКОРЛИККА ҲИССА

Электр энергияси тежамкорлигини таъминлашда, исрофгарчиликнинг олдини олишда, сарфини аниқ ўлчашда замонавий электрон ҳисоблагичларнинг муносиб ўрни бор.

Пойтахтимизда фаолият кўрсатаётган «ELEKTRON HISOBLAGICH» Ўзбекистон — Хитой қўшма корхонасида ҳам замонавий технологиялар асосида тайёрланаётган электрон ҳисоблагичларга талаб ортиб бормоқда. Бойси у халқаро андозаларга мос бўлиб, фойдаланилган электр энергиясини сарфини аниқ ўлчаш, ҳисоб-китобни вақтида бажаришга ҳисса қўшиши билан ажралиб туради.

Ҳисоблагичларнинг иш-лаб чиқариш билан бир-хонада электр энергияси сарфини ҳисобга олувчи замонавий автоматлаштирилган АСКУЭ тизими жорий этилганлиги электр энергияси тежамкорлигида, истеъмолчиларнинг вақтида аниқ фойдаланилган электр энергиясини сарфини аниқ ўлчаш, ҳисоб-китобни вақтида бажаришга ҳисса қўшиши билан ажралиб туради.

Тадбиркорлар аниқ пайтда бюртомга кўра бир ва уч фазали электрон ҳисоблагичлар иш-

лаб чиқариш билан бир-хонада электр энергияси сарфини ҳисобга олувчи замонавий автоматлаштирилган АСКУЭ тизими жорий этилганлиги электр энергияси тежамкорлигида, истеъмолчиларнинг вақтида аниқ фойдаланилган электр энергиясини сарфини аниқ ўлчаш, ҳисоб-китобни вақтида бажаришга ҳисса қўшиши билан ажралиб туради.

Ҳақимжон Солиҳов олган сурат

ТАЪЛИМ СОҲАСИГА ЭЪТИБОР

Мамлакатимизда бошқа соҳалар қатори таълимга берилётган эътибор ҳам кишини қувонтиради. Хусусан, 2004-2009 йилларга мўлжалланган мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умумий таълим дастурлари таълим дастурларини такомиллаштириш вазифаси қўйилган эди.

Ўтган давр мобайнида махсус ишчи гуруҳлар томонидан амалиётда қўлланилаётган дастурлар таҳлил этилди ва тегишли хулосалар асосида янги ўқув дастурларининг лойиҳалари тайёрланди. Аниқ чоғда ушбу янги ўқув дастурларини тажриба синовдан ўтказиш жараёни ниҳоясига етмоқда.

Республика Таълим марказида бўлиб ўтган тадбирда ҳам янги ўқув дастурларини яратиб борасида олиб борилаётган ишлар ҳақида сўз юритилди. Айтиш кераки, 2004 ўқув йилидан такомиллаштирилган давлат таълим стандартлари ва модернизация қилинган ўқув дастурларининг биринчи тажриба синови бошланганди. Босқичма-босқич олиб борилаётган бу жараён ниҳоясига етиш арафасида. Ушбу синов натижаларини аниқлаш ва унинг афзал жиҳатларини ўқувчилар орасида тарғиб қилиш мақсадида она тили ва адабиёти фани бўйича ўтказилган анжуманда ҳам ўқув дастурларини янада такомиллаштириш мукамал ўқув қўлланмаларидан фойдаланиш каби масалалар кўриб чиқилди.

Тадбирда сўзга чиққанлар ҳар бир ўқитувчи ўз худудидан келиб чиқиб, ўқувчилар таълим стандарти ва ўқув дастурларини қай даражада ўзлаштирган, қайси билим ва кўникмалар улар учун оғирлик қилган ва ўқувчилар билимидаги бўшлиқларни қандай тўлдирдиш мумкинлигини аниқлаб олиш зарурлигини қайд этди.

Жорий ўқув йилида республикамиздаги 14 та худуддаги 25 та таълим мактабиде 8-синфларда икита, 9-синфларда 29 та жами 31 та ўқув фанидан бешинчи босқич тажриба синов жараёни давом эттирилди. Билдирилган таклиф ва умумий хулосалар асосида ишчи гуруҳлар томонидан умумий ўрта таълим учун янги таҳрирдаги ўқув дастурларининг лойиҳалари тайёрланди.

Мазкур жараённинг бешинчи босқич якунига бағишланган 2008-2009 ўқув йили учун ҳисобот тақдимот анжуманлари Республика таълим марказида 30 майга қадар давом этади.

Сурайё МЕЛИКУЛОВА, «Туркистон-пресс»

ЎЗБЕКИСТОН — БРАЗИЛИЯ ҲАМКОРЛИГИ РИВОЖЛАНМОҚДА

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов Бразилия Федератив Республикаси Президенти Луис Инасиу Лула да Сильванинг таклифига биноан 27 май кунини расмий ташриф билан ушбу мамлакатга келди.

Бразилия, 28 май. (ЎЗА махсус мухбири Анвар Бобоев хабар қилади).

Олий мартабали меҳмонни расмий кутиб олиш маросими бўлди. Ўзбекистон Республикаси Президенти шарафига фахрий қоровул саф тортиди. Ўзбекистон ва Бразилиянинг давлат маҳияли янгради. Давлатимиз раҳбари шарафига замбараклардан 21 марта ўқ узилди. Ислам Каримов фахрий қоровул сафи олдида ўтди.

28 май кунини Ўзбекистон Президенти Ислам Каримов ва Бразилия Президенти Луис Инасиу Лула да Сильванинг музокаралари бўлиб ўтди.

Президентларнинг мулоқотида Ўзбекистон-Бразилия муносабатларига доир масалалар, минтақавий ва халқаро аҳамиятга молик муаммолар юзасидан атрафлича фикр алмашилди. Ислам Каримов Ўзбекистон Латин Америкасининг ушбу етакчи мамлакат билан ҳамкорликни ҳар томонлама ривожлантириш тарафдори эканини таъкидлади.

Луис Инасиу Лула да Сильва Бразилия Марказий Осиёдаги етакчи давлат бўлган Ўзбекистонни ўзининг ишончли ҳамкори деб билишини қайд этди.

Ўзбекистон ва Бразилия ўз минтақасида муҳим ўрин тутадиган давлатлардир. Мамлакатимиз Марказий Осиё умумий бозорини барпо этиш ташаббусини илгари сурган. Бразилия — Меркосурнинг (Жанубий Америка умумий бозори) энг ривожланган ва иқтисодий жиҳатдан кудратли давлати. Ўзбекистон — Марказий Осиёда ядро қуролидан холи худуд барпо этилишининг ташаббускори.

Бразилия Латин Америкасида ядро қуролини тақиқлаш тўғрисидаги шартномага қўшилган. Ўзбекистон ҳам, Бразилия ҳам БМТни ислоҳ қилиш, унинг халқаро муаммоларни бартараф этишдаги ўрни ва аҳамиятини оширишни ёқлайди, «кўп кутубли дунё» тамойилини қўллаб-қувватлайди. Терроризм, экстремизм, наркотиқсиз, уюшган транснационал жиноятчилик каби таҳдидларнинг олдини олиш, бу иллатларга қарши курашишда халқаро ҳамкорликни кучайтириш борасида икки мамлакат раҳбарлари ҳамфикр.

Мамлакатларимиз халқаро майдонда бир-бирини ёқлаб, таклиф ва ташаббусларини қўллаб-қувватлаб келади. Ўзбекистон турли йилларда БМТ органларида Бразилия номзодларини ёқлаган. БМТда Ўзбекистонга оид масалалар муҳокамага қўйилганда эса Бразилия мамлакатимиз нуктаи назарини қўллаб-қувватлаб келган.

Иқтисодий соҳада ҳамкорликни деярли барча соҳаларда ривожлантириш учун яхши омилар бор. Бразилия ҳам илгари аграр, хомашё экспорт қилувчи мамлакат бўлган. Ҳозирги кунда унинг экспортдан қанча, соя, шакар, апельсин, темир рудаси, пўлат ва шулар қаторида авиация техникаси, автотранспорт, электроника буюмлари, пойафзал, тўқимачилик маҳсулотлари жой олган. Яқин икки маҳсулот ҳамми (1,8 триллион АКШ доллари) жиҳатидан Бразилия Латин Америкасида биринчи ўринда туради. Саноатнинг яқин икки маҳсулотдаги улуши 40 фоизга яқин, қишлоқ хўжалигининг ҳиссаси эса 10 фоиздан ошмайди.

Бразилия ўтган асрнинг 90-йилларида иқтисодий ислохотларни амалга ошириб, хусусий секторни ривожлантирди, қулай сармоявий муҳит яратди, пул-кредит ва солиқ сиёсатини қайта қўриб чиқди, кенг қўламли бўлиштириш жараёнини бошлади. Мамлакатда йўл-транспорт коммуникациялари ва шаҳарлар инфратузилмаси ҳам аниқ шу даврда кенг ривожланди.

Кейинги йилларда энергия манбаларига талаб ортигани туфайли Бразилия этанол ишлаб чиқариш, уни экспорт қила бошлади. Бу соҳадан келадиган даромади йилига ўртача 600

миллион АКШ долларини ташкил қилади. Бошқача айтганда, Бразилия нефть-газ ва нефть кимёси соҳаси баробарида муқобил энергия манбалари ишлаб чиқаришда ҳам катта тажрибага эга.

Қишлоқ хўжалигида янги техника ва технологияларни қўллаш натижасида Бразилия шакарқамиш ва апельсин етиштириш бўйича дунёда биринчи ўринга чиқди. Жаҳонда етиштириладиган қанчанин 35 фоизи шу мамлакат ҳиссасига тўғри келади.

Ўзбекистон мустақиллик йилларида босиб ўтган ривожланиш йўли, ислохотларни амалга оширишда қандай соҳалар устувор этиб белгилангани таҳлил қилинса, Бразилия билан бир қатор ўқувчилар кўзга ташланади. Бир мисол: икки мамлакат ҳам хомашё базаси вазифасини ўтаган мамлакатдан тайёр маҳсулот экспорт қилувчи давлатга айланди ва экспортда саноатнинг улуши йилдан-йилга ортиб бормоқда.

Шуларни инобатга оладиган бўлсак, Ўзбекистон билан Бразилия самолётсозлик, машинасозлик, нефть кимёси, тўқимачилик, кўнчилик соҳаларида ҳамкорликни ривожлантиришнинг улкан имкониятларига эга, деб бемалол айтиш мумкин. Бундан ташқари, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш, сайёҳлик, транспорт, геология-разведка, қурилиш материаллари ишлаб чиқариш каби яна қўллаб соҳаларда ҳамкорликнинг истиқболи порлоқ.

Ўзбекистон Бразилия учун нафақат Марказий Осиё, балки МДҲнинг қўллаб мамлакатлари учун ҳам кўприк вазифасини ўташи мумкин. Навоий шаҳридаги қитъаларо интер-модал логистика маркази бунга яхши мисол бўла олади. Маълумки, МДҲда ягона бўлган мазкур марказ Корея Республикаси билан ҳамкорликда барпо этилмоқда. Жанубий Корея эса Ўзбекистоннинг ҳам, Бразилиянинг ҳам стратегик шеригидир. Бу жиҳатдан қараганда, шу йилнинг май ойи бошида Тошкентда Ўзбекистон — Корея саммити бўлиб ўтгани ва энди Бразилияда Ўзбекистон — Бразилия саммити бўлаётганида мантқий боғлиқлик бор.

Ислам Каримов ва Луис Инасиу Лула да Сильва Ўзбекистон билан Бразилия ўртасидаги муносабатларга оид масалаларни кенг муҳокама қилдилар. Президентлар Марказий Осиёда хавфсизликни мустаҳкамлаш масалалари, Афғонистондаги вазият, Латин Америкасидаги жараёнлар хусусида фикрлашдилар. Президентлар, шунингдек, халқаро молиявий-иқтисодий инқироз, унинг таъсирини камайтириш, оқибатларини енгиллаштириш ҳақида фикр алмашдилар.

Музокаралар якунида Ўзбекистон Республикаси билан Бразилия Федератив Республикаси ўртасида Қўшма декларация қабул қилинди.

Ўзбекистон Республикаси ҳукумати билан Бразилия Федератив Республикаси ҳукумати ўртасида техникавий ҳамкорлик тўғрисидаги, савдо-иқтисодий ҳамкорлик тўғрисидаги, маданий ҳамкорлик тўғрисидаги, дипломатик паспорт эгаларининг визасиз кириб-чиқиши тўғрисидаги, қишлоқ хўжалиги соҳасида ҳамкорлик тўғрисидаги битимлар ҳамда сайёҳлик соҳасида ҳамкорлик тўғрисидаги ўзаро англашув меморандуми имзоланди. Шунингдек, икки мамлакат вазирлик ва идоралари ўртасида ўзаро ҳамкорликка оид бир қатор ҳужжатлар имзоланди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов шу кунини Бразилия Миллий конгрессига ташриф буюрди. Мамлакатимиз раҳбари Бразилия парламенти фаолияти билан танишди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг Бразилия Федератив Республикасига расмий ташрифи давом этмоқда. (ЎЗА)

ҚИСҚА САТРЛАРДА

(Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Лаборт хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан).

✓ **КЕЧА** Тошкент Давлат юридик институтини талабалар, ўқитувчилар иштирокида ўтказилган семинар «Қишлоқ тараққиёти — жамият фаровонлигининг муҳим омили» деб номланди.

✓ **КЕЧА** Тошкент халқаро Вестминстер университетида бунёд этилган янги спорт марказининг очилиш маросими ўқитувчилар, талабалар иштирокида бўлиб ўтди.

✓ **КЕЧА** Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси ташаббуси билан Ўзбекистон ва Бельгия мамлакатлари ўртасидаги икки томонлама ҳамкорлик алоқаларини янада ривожлантиришнинг муҳим омиллари бағишланган бизнес форум уюштирилди.

✓ **КЕЧА** Республика Фавкулда вазиятлар вазирлигида уюштирилган семинар фавкулда вазиятларда ёрдамга муҳтожларга тез ва самарали кўмак бериш масалаларига бағишланди.

ПОЙТАХТ ЮБИЛЕЙИГА БАҒИШЛАНДИ

Собир Раҳимов тумани халқ таълими бўлимига қарашли «Оймома» номли 551-мактабга ва бошланғич таълим муассасасида Тошкент юбилейига бағишлаб «Тошкент, 2200 йиллигини муборак бўлсин!» мавзусида семинар-тренинг ўтказилди.



Тадбирда туман мактабгача таълим муассасаларининг мудира ва услубчилари ҳамда Тошкент шаҳар педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институтининг «Мактабгача бошланғич ва махсус таълим» кафедраси катта ўқитувчиси, доцент З.Файзиёва ва услубчи Н.Жўраевалар иштирок этди.

Кўнук куй оханги остида залга тайёрлов гуруҳи тарбияланувчилари кириб келдилар. Болажонлар жонажон Тошкент, она-Ватан ҳамда табиат ҳақида шеърлар ёд олишиб, «Фаввора» мусикали композицияни намойиш этдилар. Сехри сандикчадаги «Тошкент шаҳри ҳақида нималарни биласиз?» деган тест саволларига болалар ўзлари яшаб турган кўча, маҳалла, туман ва шаҳримизнинг меъморий ва қадимий обидалари ҳақида тарбиячиларидан ўрганган билим ва кўникма, малакаларини ҳозиржавоблик билан намойиш этдилар. Тарбияланувчилар «Мактабгача ёшдаги болалар таълим-тарбиясига қўйиладиган давлат талаблари» ҳамда «Учинчи минг йилликнинг боласи» дастури талаблари асосида эгаллаган билимларини шакллар орқали ифодалаб, тайёр шаклларни тўғри жойлаштириш орқали «Мустақиллик монументи»ни тасвирлашга уриндилар.

— Ушбу гуруҳ болалари ҳадемай мактаб томон йўл оладилар. Мактабгача таълим муассасасида олган билимлар, замонавий илғор, услубий кўргазмалар қўлланмалари, педагогик ва психологик тренинглар орқали мустакил фикрлашга ўрганганликлари муҳим дастуруламал бўлиб, ҳаётда асқотади, — дейди Мактабгача бошланғич ва махсус таълим кафедраси катта ўқитувчиси Зухра Файзиёва. — Юқорида гувоҳи бўлинган очик машғулотларни қузата бориб, умумий хулосага эга бўлдик. Бугунги тадбирда иштирок этган гуруҳ тарбияланувчиларининг эгаллаган билим ва кўникмалари замирида тарбиячиларнинг заҳматли меҳнатлари борлигига гувоҳ бўлдик. Илғор педагогик технологияларни қўллаб таълим-тарбия жараёнига алоҳида эътибор қаратилганини кўриб турибди.

Тадбирда шунингдек, болажонларга конвертларга солинган суратлар тарқатилди. Улар суратларга қараб, реклама кўринишида мақола, шеър, ҳикоя тарзида Тошкент шаҳрининг диққатга сазовор жойларини таърифладилар. «Тошкент» сўзи орқали бошқотирма ечдилар. Тошкент бўйлаб саёҳат қилиб, манқити тафаккур ўйини ўтказиш билан семинар-тренинг якунланди.

Маъмур семинар ҳар бир иштирокчи учун таълим-тарбия жараёни тарбиячиларнинг имкониятларини илжи борича ўрганиш, ривожлантиришга ёрдам беради, деган умиддамиз.

Мавлуда ИСЛОМОВА

Тошкент Архитектура-қурилиш институти, мамлакатимизга қурилиш ва архитектура соҳасидаги етук малакали кадрларни етказиб берадиган ягона даргоҳ ҳисобланади. Институт мутахассислари қурилиш конструкцияларини, жамоат ва турар жой биноларини лойиҳалаш, иншоотларнинг зилзилабардошлигини аниқлаш, техноген чиқиндилар асосида самарали қурилиш материаллари ишлаб чиқариш бўйича буюртмалар қабул қилади.

Ўқув юртининг Германия, Япония, Украина, Қозғистон каби 24 та турдош чет эл олий таълим муассасалари ва қатор халқаро жамғармалар билан илмий лойиҳалар асосида ҳамкорлик қилиши ҳам институтнинг юқори нуфузидан далолат бериб, мамлакатимиз ривожланиши ва тараққиётида муҳим роль ўйнайди.

Институт миқёсидаги «Битирувчи — 2009» амалий анжумани ҳам кадрларни ишга жойлаштириш ва тақсимлаш, бакалавр ва магистр кадрлар тайёрлашда эришилган ютуқлар, ишлаб чиқарувчи корхоналарнинг мутахассисларга бўлган талаб ва тақлифларини таҳлил қилиш ҳамда Тошкентнинг 2200 йиллик

Барча олий ўқув юртиларида, коллеж, лицей ва мактабларда ўқув йилининг тугаллишига бағишланган турли хил тадбирлар, танловлар ва ижодий учрашувлар бўлиб ўтмоқда. Яқинда Тошкент архитектура қурилиш институтида ҳам «Битирувчи — 2009» илмий-амалий анжумани ҳамда «Талаба — 2009» кўрик-танлови ташкил этилди.

ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИДА ИҚТИДОРЛИ ТАЛАБАЛАР БИЛИМЛАРИНИ КЎРСАТИШДИ

тўйи муносабати билан ташкил қилинди.

Анжуман доирасида малакали мутахассисларнинг долзарб чиқишлари билан биргаликда талаба ёшларнинг «Талаба — 2009» кўрик-танлови ҳам бўлиб ўтди.

Танлов ёшлар онгида миллий анъана ва қадриятларимиз, урф-одат, ўзбекона удумларимиз ва одоб-ахлоқ, меҳр, кизиқиш туйғуларини шакллантириш билан бирга, унда шаҳримиз тарихи, бугунги ислохотлар, бунёдкорлик ишлари бо-

расида амалга оширилаётган ишлар, бугунги кун талабасининг сермазмун ҳаётига оид саҳна кўринишлари барча анжуман иштирокчилари ва меҳмонларда илқ таассурот қолдирди.

Танлов сўнгида ғолибларга эсдалик совғалари ва Фахрий ёриқлар топширилди.

Гулчехра ДУРДИЕВА

СУРАТЛАРДА: «Битирувчи — 2009» анжумани ва «Талаба — 2009» кўрик-танловидан лавҳалар



ЖАМИЯТ ПОЙДЕВОРИ

«Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармаси қошидаги Тиббий ижтимоий марказда «Ёш оналар мактаби» доирасида тақдимот маросими бўлиб ўтди.

Бугунги кунда Республикаимизнинг барча ҳудудларида Тиббий ижтимоий патронажлар мавжуд бўлиб, улар ҳар бир оиланинг, айниқса, чека қишлоқ ва аҳоли яшаш жойларига оилаларнинг ижтимоий-иқтисодий ва тиббий жиҳатларини доимий ҳамда режалли равишда ўрганиб келмоқда. Бу каби хайри ишларни янада кучайтириш ва патронаж хизмати ходимларининг малакасини ошириш йўлида олиб борилаётган ишларда жамғарма Тиббий ижтимоий марказининг ўрни бекиёс.

Марказда 2008 йилдан буён ҳомиладор аёлларни турғука тайёрлаш мақсадида «Ёш оналар мактаби» фаолият олиб бормоқда. Бугунги кунда мазкур мактаб қошида 150 нафардан ортиқ оналар ва бўлажак оналар учун турли учрашувлар, тақдимот маросимлари ўтказилди. Мазкур учрашувларда бўлажак оналарга тўғри овқатланиш рақиси, гигиена қоидалари, ҳомиладорлик даврида жисмоний тарбия билан шуғулланишлари зарур-

лиги тўғрисида маслаҳатлар берилади. Шуниси қувонарлики, тадбирларда нафақат малакали мутахассислар ўз билим ва тажрибалари билан, балки ҳаётий тажрибаларига эга бўлган онахонлар ҳам иштирок этади.

Тадбирда мактабнинг фаолияти атрофлича муҳокама қилинди. Жумладан бўлажак оналарнинг ўз фарзандларини дунёга келтиришда турли асоратларсиз, камқонлик, қон томиларининг кенгайиши, буйрак фаолиятининг сустлиги туфайли оёқ ва бўғимларнинг шиши каби ҳолатларсиз соғлом фарзанд дунёга келтиришга тўғри мамнуният билан таъкидланди.

Ёш ҳушувоз хонандаларнинг чиқишлари тадбирга байрамона кайфият улашди. Тадбир иштирокчиларига жамғарма томонидан эсдалик совғалари топширилди.

Сурайё МЕЛИҚУЛОВА «Туркестон пресс»

ҚАРОР ВА ИЖРО ТИЗИМДАГИ ИСЛОҲОТЛАР — ФАРОВОНЛИК ОМИЛИ

Мамлакатимизда истиқлолнинг дастлабки йиллариданоқ давлатимиз раҳбари ва ҳукуратимиз томонидан юрт равнақи, халқ фаровонлиги йўлида барча соҳаларда, жумладан, солиқ тизимида ислохотлар олиб бориляпти. Жумладан, Президентимизнинг 2008 йил 29 декабрдаги «Ўзбекистон Республикасининг 2009 йилги асосий макроектисодий кўрсаткичлари ва давлат бюджети параметрлари тўғрисида»ги Қароридан сўнг тизимда амалга оширилаётган ислохотлар жараёни янада жадаллашди.

Сергели туман давлат солиқ инспекцияси ходимлари томонидан ҳудудда жойлашган молиявий муассасалар ва ишлаб чиқариш корхоналарида бу борада қатор ижобий ишларга қўл урилди. Улар 2009 йилнинг асосий макроектисодий кўрсаткичлари ва давлат бюджети параметрлари ижроси моҳияти ҳақида кенг тушунтириш ишлари олиб боришмоқда.

Ана шундай тушунтиришлар ва учрашувлар самараси ўлароқ тумандаги «Мебель қўшма корхонаси» очик акционерлик жамияти жамоаси 2009 йил давомида 70 миллион сўмдан ортиқ маблағни тежаб қолишга ва шунинг ҳисобига корхонада иш қўламини кенгайтириб, ўнлаб янги иш ўринлари очишга муваффақ бўлишди.

Иккиламчи металл ишлаб чиқариш корхонасига эса солиқ тўлови ставкалари туширилиши билан 5 миллион 946 минг сўмдан зиёд маблағ тежалиши кўзда тутилган. Бунинг барчаси корхонани модернизациялаш, махсулот турларини кўпайтириш, қайта жиҳозлаш ва ишчи-хизматчилар турмуш шaroитини яхшилашга йўналтирилди.

Кўриниб турибдики, тизимда олиб борилаётган ислохотлар самараси пировардида халқ турмуш фаровонлигини кўтаришга хизмат қилмоқда.

Абдулазиз АБДУВОХИДОВ, Сергели туман Давлат солиқ инспекцияси бўлим бошлиғи

ДОЛЗАРБ МАВЗУ ТАРФИБОТ САМАРА БЕРАДИ

Бугунги кунда одам савдоси билан боғлиқ жиноятлар бутун дунё аҳлида, жаҳон жамоатчилигида жиддий ташвиш ва хавотир уйғотмоқда. Кейинги йилларда одам савдоси жинояти туфайли юзага келаётган глобал ҳафс қанчалик ортиб бораётган бўлса, дунёнинг қатор мамлакатларида бу жиноятга қарши курашишга қаратилган чора-тадбирлар кўлами ҳам шунчалик кенгайиб бормоқда.

Мамлакатимизда ҳам аср муаммосига айланган одам савдосининг олдини олиш ва унга қарши курашишга доир ҳуқуқий-норматив база шакллантирилган. Бу борада қатор қонун ва қарорлар қабул қилингани эътиборга молик бўлиб, бу ўз навбатида инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоялашга эътибор янада кучайтирилганидан далолатдир.

2008 йил 17 апрелда Ўзбекистон Республикасининг "Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида"ги Қонуни ва 2008 йил 8 июлда мамлакатимиз Президентининг "Одам савдосига қарши курашиш самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарори қабул қилинди. Мазкур қонун ва қарорларнинг мазмун ва моҳиятини аҳолига тушунтириш, улар ўртасида тарғибот тадбирларини ўтказиш ҳуқуқ-тартибот идоралари ва зифалари сирасига кирди.

Мамлакатимиз Президентининг "Одам савдосига қарши курашиш самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарорининг аҳамиятига бағишланган навбатдаги тадбир пойтахтимиздаги Чилонзор туманида жойлашган 162-умумтаълим мактабида бўлиб ўтди.

Тошкент шаҳар Адлия бошқармаси томонидан ташкил этилган ушбу тадбирда Чилонзор тумани ҳокимлиги, вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссияси, ИИБ, Халқ таълими бўлими, "Камолот" ЕИХ фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва бошқа жамоат ташкилотларидан вакиллар иштирок эттишди. Ушбу долзарб тадбирдан кўзланган асосий мақсад одам савдоси қурбони бўлиш хавфининг олдини олишга қаратилди.

Ёшлар ва аҳоли ўртасида ушбу қарор мазмун-моҳияти ва аҳамияти ҳақида мутахассислар томонидан тўлиқ тушунтириш берилиб, тадбир сўнгида йилгиланларни кизиқтирган инсон ҳуқуқ ва эркинликларига доир ҳуқуқий саволларга батафсил жавоб берилиди. Бу каби кенг қўламли ташкил этилаётган тадбирлар иштирокчиларда катта қизиқиш уйғотибгина қолмасдан, одам савдоси муаммоси ҳақида ҳуқуқий тушуначга эга бўлишда муҳим аҳамият касб этиши, шубҳасиз.

Гулсумхон ШОДИЕВА

Халқимизда: "Текиндан келган ташвиш чикар", деган нақл бор. Бинобарин, ўзганинг ҳалол, пешона тери ҳисобига келган маблағга кўз олайтириш жиноят ҳисобланади. Аммо "Фарҳод" дехон бозорига қишлоқ хўжалик маҳсулотлари билан савдо қилувчи Зиёда Сулаймонова бу аён ҳақиқатни билмайдиган кўрилади. У Шайхонтоҳур тумани, Дархон кўчаси, 181-уйда истиқомат қилувчи Р.Фафуровага 10 килограммлик картошкани тарозидан уриб қолиш билан 8 килограмм ҳолатида, 6 килограммлик пивёни айна шу йўл билан 4 килограмм 700 грамм қилиб сотган. Сотувчи бу ноқонуний харид орқали картошқадан 2200, пивёздан 1300 сўм, жами 3500 сўмлик фой-

сифат кафолатини оқлай олмаган. Истеъмолчи талаби билан сарфланган маблағ қайтарилган.

Яккасарой тумани, Шайх Кулол кўчаси, 56-й-уйда яшовчи Б.Лаптев "PUMA" фирмасидан 156.000 сўмлик спорт пойабзалини сотиб олган. Аммо сифатсиз чиққани боис бошқасига алмаштириб берилган.

Чилонзор тумани, 48-уй, 3-хонадонда истиқомат қилувчи Н.Хасанова Чилонзор буюм бозоридан "SAMSUNG" русумидаги телевизорни 170.000 сўмга харид қилган. Телевизор истеъмолчи томонидан кўрилганида унинг ярқисизлиги маълум бўлган. Ҳозирда си-

даги сув тортишга мўлжалланган мосламани 500.000 сўмга харид қилган. Аммо махсулот сифатсиз чиққан. Ҳозирда тегишли ташкилот аралашуви билан у бепул таъмирланган.

Мирзо Улуғбек тумани, Қорасув-1 даҳаси, 87-уй, 18-хонадонда истиқомат қилувчи М.Алексеева Навоий ярмаркасидаги хусусий тадбиркор Мирозиз Агзамов савдо дўконидан 1060000 сўмлик музлатгич харид қилган. Махсулот ўзининг сифат кафолатини оқлай олмаган. Тегишли ташкилот аралашуви билан бепул таъмирланган.

Яккасарой тумани, Абдулла

ЖАМҒАРМАЛАРДА КЎРИК-ТАНЛОВ ЎТКАЗИЛДИ

Ўсиб келаётган ёш авлодни ҳар томонлама баркамол, ақлан етук, жисмонан бақувват этиб тарбиялаш, иқтидорли болаларни қўллаб-қувватлаш ва уларни рағбатлантириш мақсадида «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармаси республика миқёсидаги спорт мусобақаларини ташкил этиб, айниқса қишлоқ жойларда болалар ва ёш оилалар ўртасида турли спорт тадбирларини кенг доирада давом эттириб келмоқда.

Маълумки, 1998 йилдан бошлаб Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш, Халқ таълими вазирликлари, «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармаси Procter & Gamble компанияси билан биргаликда соғломлаштириш таълим дастурларини ҳамкорликда ўтказмоқда. Ушбу дастурлар доирасида «Жозибодор табассум» кўрик-танлови алоҳида аҳамият касб этади. Дастурда умумтаълим мактабларининг 2-синф ўқувчилари учун гигиена, айниқса оғиз бўшлиғи гигиенаси, соғлом турмуш тарзи каби мавзуларда малакали стоматологлар, мутахассислар маърузалари билан қатнашадилар.

Айтиш жоизки, 1997-2008 йиллар мобайнида дастур доирасида 55 мингдан зиёд ўқувчилар мутахассисларнинг фойдали маълумотлари билан танишиб, ўзларини кизиқтирган саволларига жавоб олдилар. Ушбу дастур бўйича ўтказиладиган танловда болажонлар ўзларининг соғлом турмуш тарзини тарғиб этувчи илқид маҳсуллари, чизган расмлари, шеър ва қўшиқлари билан иштирок этадилар. Биргина 2008-2009 ўқув йилининг ўзида «Жозибодор табассум» дастури доирасидаги танловда 32000 дан ортиқ шахримиздаги умумтаълим мактабларининг 2-синф ўқувчилари қатнашдилар. Бу эса аввалги йилларга нисбатан кўрсаткичнинг анча юқори ва аҳамиятли эканлигини исботлайди. Яқинда шаҳримиздаги 71-сонли умумтаълим мактабида «Жозибодор табассум» кўрик-танловининг якунини бошқиси муваффақиятли ўтказилди.

(Ўз муҳбиримиз)

ИСТЕЪМОЛЧИЛАР ҲУҚУҚЛАРИ — ҚОНУН ҲИМОЯСИДА ЎЗГАНИНГ ҲАҚИ БУЮРМАЙДИ

да кўрган. Ҳозирда ушбу ҳолат фуқаролик ишлари бўйича суд томонидан кўриб чиқилган. Сотувчига нисбатан амалдаги қонунчиликка биноан маъмурий жазо қўлланилган. Кези келганда истеъмолчилар дехон бозорларида ўрнатилган назорат тарозиларидан фойдаланишга эътибор қаратсалар айна мудоао эканлигини таъкидлаган бўлар эдик.

Мирзо Улуғбек тумани, Қорасув-2 даҳаси, 19-уй, 5-хонадонда яшовчи А.Айробетов "Интизор сервис" хусусий ўй-жой мулкдорлари ширкати фаолияти юзасидан ариза билан мурожаат қилган. Қайд этилишича, истеъмолчиға тегишли хонадон аҳли чакка ўтишдан азият чеккан. Ҳозирда ушбу ҳолат ижобий ҳал этилган.

Собир Раҳимов тумани, Чукурсой кўчаси, 66-хонадонда истеъмолчи қилувчи М.Эргашев "INDEZIT" русумидаги музлатгични 543.000 сўмга харид қилган. Махсулот ўз

фатсиз махсулот янгисига алмаштирилган.

Ҳамза тумани, Маърифат кўчаси, 94-уйда истиқомат қилувчи С.Идрисова хусусий тадбиркор У.Пирмухаммедовдан "NOKIA-6600" уяли телефон аппаратини 466.000 сўмга харид қилган. Мазкур махсулот сифатсизлиги аниқлангани боис, истеъмолчиға тегишли маблағ эгасига қайтарилган.

Собир Раҳимов тумани, Қоракамийш 2/4-даҳаси, 56-уй, 13-хонадонда яшовчи А.Набирахўжаев "Триумф Веннифут" қўшма корхонасидан "БЦПЭ 1,2-80 У" русуми-

Хурматли шахримиз аҳолиси ва меҳмонлари! Агар сиз харид қилган махсулотлар ҳам сифатсиз чиққан ёки қонунга хилоф хатти-ҳаракат аниқланса, қуйидаги манзилга мурожаат этишингиз мумкин: Тошкент 700185. Бунёдкор кўчаси 23-уй. Телефонлар: (998 712) 276-90-46. Факс: 276-90-45. Тошкент шаҳар истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ҳудудий бирлашмаси томонидан тақдим этилган маълумотлар асосида Хидирали ПАНЖИЕВ тайёрлади.



ФАСЛЛАР ВА САЛОМАТЛИК

АЛЛЕРГИЯДАН ЭХТИЁТ БЎЛИНГ!

Баҳорги ва ёзги аллергияни тиббий тилда поллиноз дейилади, — дейди тиббиёт фанлари номзоди Мухаммаджон Миршарипов мухбиримиз билан суҳбатда. Касаллик аломатлари ва ундан халос бўлиш йўллари ҳақида шифокор куйдагиларни ҳикоя қилади:

Аллергияни бошидан кечирганлар унинг қанчалик инжиқ касаллик эканини билишади. Баҳор оёқлаб, ёз кунлари бошланай деб турибди. Шу икки фасл оралигида бу хасталик анча фаоллашиб, кўпчилики безовта қилади. Яшилликлар, қушлар хониши, бирин-кетин пишиб етилаётган мева-сабзавотлар ҳаммамизни қувонтиради. Шу билан бирга бутун шу ажойиботларга кўз ёшларингиз дувиллаб оқиб қараш ҳузур бағишламайди.



Аммо тумов, йўтал, кўзлар қизилиги, кўздан тинмай ёш оқиб туриши — булар баҳорю ёзги аллергия "хунарлари". Мухими, бу ҳолатдан қочиб қутулиш қийин — ҳар йили тахминан бир хил вақтда кўплаб кишилар чўнтақларидан даструмолчаларини олиб, кўз ёшларини, қизарган бурунларини артишга тушишади. Гўё бу — йиллар давомида қонимизга сингиб кетган оддий ҳол.

Поллиноз нима ўзи? Бу ном латинча "поллин" сўзидан келиб чиққан бўлиб, "чанг" маъносини англатади. Чиндан ҳам аллергияни апрелнинг иккинчи ярмидан қайин, қандоғоч (ольха), ўрмон ёнгоғи, шунингдек, эман, зарангшумтол ва баъзи бир буталарда пайдо бўладиган ўсимлик чанглари кўзгатади. Мутахассислар таъкидига кўра, бу хил чанглар қанчалик кам бўлса, таъсири шунчалик кучли бўлади.

Энг ёмони — кўп ҳолларда ба-

ҳорги аллергия дарахтлар гўллаб бўлганидан кейин тузалиб кетмай, озиқ-овқат аллергиясига айланади. Шунинг учун ҳам бу касаллга чалинганлар ёзда ҳам азият чекишда давом этаверишади. Чунинчи, қайин чангларига аллергияси бўлганлар ўрик, шафтоли, кизил олма ёки хом сабзини истеъмол қилишмайди. Ўрмон ёнгоғи чангидан аксирадиганлар эса, фундук (Кавказ ва Кримда ўсадиган ёнгоқ меваси)ни татиб кўришолмайди.

Бу касалликни даволаб бўлмайди, лекин кўпинча ўз-ўзидан ўтиб кетади. Аллергия ирсият орқали ўтиши мумкин. Лекин болаларда у одатда етти-саккиз ёшларда намоён бўлади. Шифокорлар, аллергия — иммунал тизим заифлашиши касаллиги, стресслар ва нотўғри овқатланиш оқибатидир, деб даъво қилишади.

Мавсумий аллергия ташхисини қўйишда чалкашликлар юз бериб туради. Поллиноз аломатлари тумовникига ўхшаб кетгани учун кўпгина аллергиялар зўр бериб тумовдан қутулишга ҳаракат қилишади, ҳеч тузалавермаган, антибиотиклар билан организмни обдон қийнаб бўлгандан кейингина антигистамин дориларни қабул қилишга ўтишади. Шундай экан, ҳар йили такрорланадиган ҳолатни сездингизми — мутахассис шифокорга мурожаат қилсангиз, вақтида ундан халос бўласиз.

Замира ХОЛБОЕВА

Бу йил ҳам ҳадемай улар учиб келиб, ўзлари ўрганиб кетган ошёларини янгилаб, шу ерларда болалаб, полапонларини учишга ўргатиб, яна олис ўлкаларга парвоз қилишади.

Деҳқонлар лайлакни омад, тинчлик-омонлик келтирувчи қуш деб билишади. Шунинг учун улар далаларда турли экинлар пайкаллари уртасида ҳам симёғочлар устига беҳавотир ўз "чайлалари"ни қуришади. Қишлоқ болалари ҳам, шаҳар болалари ҳам лайлак уяларини ва улар ичида бир оёқларида тик турган лайлакларни кўришганда, баравар қувонишади.

Маълум бўлишича, дунёнинг кўпгина халқлари ҳам бу беозор паррандани қаттиқ эъзозлашар экан. Жумладан, славянлар, немислар ва бошқа қатор халқлар лайлакларга ёрдамчи, халоскор қуш сифатида қарашади. Улар лайлакни илк бор кўрганда, аτροφдагиларга қанчалик галати кўринмасин, саломатликларига фойдали деб, турли урф-одат амалларини бажаришади — оёқлари оғримаслиги учун унинг кетидан югуришади, ўмбалоқ ошиша-

Дам олиш соатларида

ИНСОН ВА ТАБИАТ

ЛАЙЛАК КЕЛДИ — ЁЗ БЎЛДИ!

Халқимиз лайлакларни ёз элчиси сифатида, мўл-кўлчилик, маъмурлик рамзи сифатида эъзозлаб келади. Лайлак оддий эмас, муқаддас қуш сифатида ҳам одамлар эъзозиди.

ди, орқалари оғримаслиги учун дарахтга яғринларини ишқалашади, бурга бўлмаслиги учун оёқсидан тупроқни олиб, сувга ташлашади ва уни устларидан сочишади ва ҳ.к.

Украинада жазирамада бугдой ўримида лайлакдан шамолни сўрашган, агар қизлар эрта баҳорда илк бор лайлаклар жуфтгани кўришса — шу йили турмушга чиқади, деб ишонишган. Кимнинг даласида лайлаклар ин қурса ёки эски уяларида кўним топса, ўша ерда бахт-омад ва тинчлик-хотиржамлик қарор топади, оилада жанжал-можаро бўлмайди, болалар соғлом ўсишади, ер эгаси эса — бог ва далалардан юқори ҳосил кўтиради, деб ҳисобланган.

Яна лайлакни кўрганлар кўп са-

ёҳат қилишаркан, уни кўрганда ёнида пули бўлганлар бой бўлади, дейишади. Шунингдек, агар

киши эса — танбал бўлади, дейишади.

Славянлар удумига кўра, лайлаклар эрта учиб келса, ёз салқин ўтади, агар улар тез-тез гала бўлиб йиғилишса ва айланаб учушса — кўз совуқ ва ёгин-сочинли бўлади. Агар лайлаклар кечикиб жойларини тарқ этадиган бўлишса, келгуси қиш юмшоқ ва илқ келиши кутилади.



Хуллас, ўлкамизга лайлаклар учиб келишмоқда, қувнайверинг болалар!



Бир пиёла чой устида

ЎЗ «ВЕНЕЦИЯ»ЛАРИНИ ҚУРИШДИ

Макаодаги казино Венеция типиди бунёд этилди. Авлиё Марк майдони, фрескалар, фавворалар, олтин ҳайкалчалар ва ҳақиқий гондолларда сузиш мумкин бўлган каналлар айнан аслларига ўхшатиб қурилди.

Venetian Makao-Resort-Hotel майдони тахминан 1 миллион квадрат метр келади. Бинода 3400 автомат, 800 ўйин столлари, уч минг номерли курорт-отель, 15 минг ўринли ўйингоҳ, ресторанлар, 110 минг квадрат метрдан каттароқ майдонга эга бўлган конференц-марказ жойлашган.

КАШФИЁТ ВА ИХТИРОЛАР

АНТАРКТИДА ГИЁҲЛАР БИЛАН ҚОПЛАНМОҚДА

Антарктиданнинг оппоқ қитъадан яшилга айланишини ким ҳам хаёлига келтира оларди! Глобал илм натижасида муз зирх тез эриб бормоқда ва бу жараён илгари тахмин қилинганидан анча тезроқ кечмоқда. Тадқиқотларнинг кўрсатишича, Антарктиданнинг шарқий қисмида ҳали ҳам совуқ ҳукмрон, бироқ ғарбий қисмда ҳарорат ошганлиги кузатишмоқда ва муздан халос бўлган қояларда ўт-ўланлар ўса бошлаган.

Аслида Антарктидада ўтлар ўсишини янгилик деб ҳам бўлмайди. Муаммо — мазкур ғайриоддий ҳодиса кўламади. Бундан бир йил олдинок Антарктида БМТ Бош қотибини ҳайратга солганди: "Антарктида ҳалокат ёқасида турибди — бу ҳалокат бутун дунё фожеасига айланади", — деганди у.

Пан Ги Мун, ўз кўзлари билан кўрган ва олимлардан эшитганлари, қор ўрнига ёмғир ёғаётгани, ҳатто Америкадаги гольф майдонларида ўсаётган гиёҳларга ўхшаш ўт-ўланлар пайдо бўлгани Антарктида ҳалокат ёқасида турганига ўзида яна бир бор ишонч тугдиргани ҳақида баёнот берди.

"Бу ерда қирол Георг оролида муз қатламлари 10 фоизга кичрайдиган. Адмиралтейство кўлтигидаги айрим музликлар 25 километрга кечинган. Эсингиздами, бир неча йил муқаддам Ларсен музлигининг бир қисми ажралиб кетиб, бир неча ҳафта ичида ғойиб бўлганда — ваҳоланки, гап Род Айллендага — 87 километрга тенг катталикдаги музлик ҳақида кетяпти", — деган БМТ Бош қотиби.

ПЛАТИНИ: «БОШҚА ҲЕЧ ҚАНДАЙ МУАММОЛАР ЙЎҚ»

Футбол бўйича 2012 йилги Европа чемпионати финал қисмини ўтказиш ташкилотчилари бўлган Украина ва Польшада инспекторлик сафарига бўлиб қайтган УЕФА президенти Мишель Платини у ерлардаги тайёргарлик ишлари ҳақида гапириб берди. Унинг айтишича, Польшада турнирга ҳозирлик ишлари яхши кетяпти.

Бундан олдин у Киевда бўлганда, бу ерда УЕФА бошлиғи, собиқ шўро республикаси барча қийинчиликларни бар-тароф қилишни уддалаб, тайёргарлик ишларини муддатда яқунлашига ишонч билдирди. Польшада эса, унинг баёноти-га кўра, "ҳеч қандай катта муаммони кўрмаган".

Ҳар иккала мамлакат дастлаб ўйингоҳлар, отеллар, йўллар ва Euro-2012 га зарур бошқа инфратузилмаларни бунёд этишда жиддий ортда қолишмаётгани. Европада, кўпинча, Украина ва Польшанинг турнирга юксак савияда тайёргарлик кўришининг ўлдасидан чиқишига шубҳа билан қарашади. Лекин Платини бу мамлакатларга тўлиқ ишонч билдирди ва қўллаб-қувватлашда ҳормай-толмай давом этмоқда.

ҲАСАД ҚИЛИШ, КЎРОЛМАСЛИК — ЁМОН НАРСА. БУ ҲАҚДА ЁШЛИГИМИЗДАНОҚ ЯХШИ БИЛАМИЗ. ҲАСАДДАН КЎКАРИБ КЕТИШ МУМКИН, ОШҚОЗОН ЯРАСНИ ОРТТИРИБ ОЛИШ, ТАҚДИР ЮЗ ЎГИРИШИ, ОЛДИНГИЗДА ОМАД ЭШИКЛАРИ ТАҚА-ТАҚ ЁПИЛИШ МУМКИН, ДЕЯ ҲИКОЯ ҚИЛАДИ РУҲШУНОСЛИК ФАНАРИ НОМЗОДИ ЗУХРА ҚОБУЛОВА...

Ҳасадга қарши яқма-яқка олишганлар бўлган, унга қарши бутун мамлакат бош кўтарган. Лекин ҳар қандай йўл билан қилинган барча уринишлар беҳуда кетаверган. Бир хил форма кийиш ҳам, мафкуравий фаолият ҳам, ойл-кич маошлар миқдорини ошкор қилмаслик ҳам, энг табиий инстинкт бўлган атроф-оламни баҳолаш ва ундан кейинги хулосалардан инсонни воз кечишга мажбур қила олмаган.

Ҳақиқатан ҳам соф кўринишдаги ҳасад — бу табиий худбинлик усткурмаси билан ўз-ўзини химоя қилишнинг лойқаланган инстинктидир. Инстинктларга қарши курашиш — осмоғна тушуришдай гап. туфунгиз юзингга тушади. Шундай экан, бошқа йўлдан бориш — шу инстинктдан ўз фойдаси йўлида фойдаланишни ўрганасан бўлмасмикин?

Ҳасадга қарши курашга киришишдан олдин, аввало, аслида нимага қарши тураётганимизни аниқ билиб олиш керак.

деб ўйлаймиз. Руҳшунослар (кўпчилик одамларнинг ўзлари ҳам) ҳасадни икки турга бўлишади: қора ва оқ, оққўнғил ҳасад. Рашкага ўхшаш эзувчи

кўра, кўпроқ нафрат хисси уйғонади. Ҳасаднинг бутун борлигини барбод қилиб бўлган. "Мен ҳам шундай бўлишни (шундай бой, омадли, ақл-ид-

чига айлантиришнинг иложи бор. Мухими — кўпроқ амалиёт билан шугулланиш керак. Трансформация (бир ҳолатдан иккинчи ҳолатга ўтишни

ПСИХОЛОГ ҲУЗУРИДА

ҲАСАД ЗАРАРЛИ...

хиссиёт, бошқаларнинг (айниқса ўзингиз оқтирмаган кишиларнинг) омадидан норозилик, уларга ёмонлик тилаш — қора ҳасаднинг нақд белгиларидир. Бу — инсонни емирувчи хиссиёт, ҳақиқий бахтсизликнинг ўзгинаси. Шахсий камолот йўлига ишлатилиши мумкин бўлган куч-қувват заифларча газаб, жаҳолатга сарф бўлади. Натижада асаблари издан чиққан, жаҳолат бир ахлолга солиб қўйган, ҳамма нарсадан мосуво бўлган ҳолатлар, беҳуда умр, бой берилган имкониятларни кўрагимиз — бундай одамга қараганда, ачинишдан

рокли, бахтли) истаيمان", деса ҳиссиёт, янги уфқларга интилиш, соғлом ғурур — булар оққўнғил ҳасад. Бу шунчаки инсонни олдинга интилурувчи омил, сабаб дейилса бўлади. Аммо бу осунлиг ҳам самарадорлиги осунлиқча юзага чиқмайди: фақат темир иродадли, кучли шахс барча синовлардан ўтиб, ҳамма нарсага эришган одамни кўз олдига келтирган ҳолда мақсад сари ҳаракат қилишда давом эта олиши мумкин.

Назарий жиҳатдан ҳасаднинг емирувчи қувватини шахсий камолотнинг яратувчи қу-

бошлаймиз. Олимлар, бир кунлик қаттиқ ҳасад уч кунлик оч яшашга ўхшаш таъсир қилишини аниқлашган. Демак, ҳасадга қарши курашдаги илк қадам ўз-ўзингизга таъсир қўйишдан иборат бўлиши керак. Ишдаги ҳамкасбларимиз гашимизни келтиряптими — жарроҳ скальпелини олиб (албатта хаёлан), масаланин моҳиятини тубиғача қавлаб аниқлашга киришамиз. Карабсизки, гап ҳамкасбимизнинг қаттиқ кўлгуси-ю, вайсақили-гида бўлмай, балки ҳамма ишлари жуда соз кетаётганида бўлиб чиқади!

Аслида сиз ўйлаганингизча эмасдир, лекин сиз унинг бе-муаммолиги, омадлилиги ва (эри совга қилган) янги атир хидини жисмонан ҳис этиб турасиз! Айнан шу вақтнинг ўзида "ҳасад" номли зарарли ўсимтани кесиб ташлаш бошлаганингиз керак. Айтайлик, оққўнғил ҳасадга қарши курашишнинг ҳожати йўқ — баъзи-баъзида йўналиш ва жўшқунликни тўғри йўлга солиб турилса бас. Лекин қора ҳасад — бу бошқа гап ва у бошқа хил чораларни талаб қилади.

Ҳўш, нимадан бошлаш лозим? Биринчи ва энг мураккаб ҳақда муҳим қадам — бутун иродангизни тўплаб, "Ҳа, мен ҳасад қиляпман, бу одамнинг ҳеч ёмонлиги ёки қусури йўқ, фақат яхшиликлари жуда кўп экан", дея эътироф этишингиз лозим.

Ўз камчиликларини эътироф этиш жуда қудратли омил бўлиб, унинг ёрдамида ўз дунёқара-шингизни қайта дастурлашти-риб, уни янги даражага кўтари-шингиз мумкин. Эътирофингиз бошланган пайтданок ҳасаднинг емирувчи кучи ўтмаслангани ва унинг ўрнини айбдорлик хисси эгаллайди, ўзингиздан ҳафа бўласиз. Айнан шу ҳолат ик-кинчи босқичга ўтиш пайтингиз келганини билдиради.

Бунда бирданга поёнсиз нарсани қунишга интильмай, йирик мақсад-орзуларни ки-чик, амалга ошириб бўлади-ган босқичларга бўлинг. Чунин-чи, билим бошлиғи лавозимини эгаллаш учун лаёқатларин-гизни намоён этишингиз, ўзин-гизнинг юксак малакали мута-хассис ва масъулиятли киши эканингизни тан олишларига эришингиз керак.

Бунинг учун кам деганда эр-талаблари ишга кечкишни ва лойиҳаларни чўзиб-судраб юришларни бас қилишингиз лозим бўлади. Ишонгага вақ-тида келиш ва ҳаммага гайрат-шижоатли бўлиш учун уйку ре-жимига риоя этиш ва соғлом турмуш тарзини ўзингизга син-гдириб олишингиз зарур.

Ўрганамган бу ишларни қилишингиз қийин кечади, аммо ҳар қандай ҳолатда на-тижа ижобий бўлади. Турмуш-да кўпинча "қувиб етолмасанг ҳам — қизиб оласан" деб ата-ладиган бу усул ҳасадни шах-сий камолот двигателига ай-лантиришда жуда қўл келади ва, бундан ташқари, мантқий фикрлаш ва стратегик тафак-кур қобилиятингизни ривож-лантиради.

Хуллас, ҳасадни на ўзингизга ва на бошқаларга таъқийлай ол-майсиз. Бунинг ҳожати ҳам йўқ.

БИР ЧИМДИМ КУЛГИ

ДОРИХОНАДА

— Сизда хабдоридан ташқари хомиладан асрай-диган яхшироқ дори топиладими? — Топилади — уйку дориси.

МАСЛАҲАТ

Томинг ёнса — 01 га, том керак бўлса — 02 га, томинг кетса — 03 га кўнғироқ қил!

ШИФОКОР УЙИДА

Шифокорнинг уйида унитазни тикилиб қолди. Сув қувурини тузатадиган чилангарни қақришди. Чилан-гар келиб, икки марта у ер-бу ерни болғаси билан тўқиллатиб уриб, резина прокладкани алмаштирди ва гайкани бураб мустаҳкамлади. Кейин шифокорга: — Меҳнат ҳажим — 5 минг сўм! — деди. — Қанақасига 5 минг сўм? — жиги-бийрони чиқди шифокорнинг. — Мен нейрорхирург бўлиб ишлайман — бу мутахассисликка 12 йил ўқидим, лекин менга 5 даққалик меҳнатимга 5 минг сўм тўлашмайди. — Тўппа-тўғри. Менга ҳам нейрорхирургимда шунча ҳақ тўлашмаган!

СПОРТ ЮЛДУЗЛАРИ ҲАЁТИДАН

УЭЙН РУНИ ОИЛАСИДА — ЭГИЗАКЛАР

"Манчестер Юнайтед" футбол жамоасининг Англия премьер-лигасидаги бай-роқдорлигига улкан ҳисса қўшиб келаятган Уэйн Рунининг умр йўлдоши яқин орада эгизак чақалоқли бўлишларини эътироф этган. Муддатидан олдин яна мамлакат чемпионилигини кўлга киритган жамоа етакчи уйғинчиси учун бу воқеа бебаҳо тухфа бўладиган бўлди.

Айни пайтда Англия терма жамоасининг ҳам уйғинчиси бўлган Уэйн хотини билан бирга яна бир болани фарзанд қилиб олмақчи эканлигини билдирган.

1 ИЮНЬ — ХАЛҚАРО БОЛАЛАРНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ КУНИ

XXI АСРДА БОЛАЛАР
КИТОБХОНЛИГИ

Республика болалар кутубхонасида «XXI асрда болалар китобхонлиги» мавзусида анъанавий илмий-амалий анжуман ўтказилди.

Машҳур ўзбек маърифатпарвари, педагог Шокиржон Раҳимий хотирасига бағишланган тадбирда Халқ таълими вазири, Миллий китоб палатаси, нашриётлар, ўқитувчи-педагоглар, ёзувчилар, илм-фан арбоблари, жамоатчилик вакиллари ва китобхонлар иштирок этди.

Республика Болалар кутубхонасида ҳар йили болалар китобхонлигига бағишланган танловлар ва давра сўхбатларини ташкил этиш яхши анъанага айланган. Мазкур тадбир ҳам шулар жумласидан бўлиб, унда иштирокчилар миллий маънавиятимизни шакллантиришда ёшлар китобхонлигининг ўрни ва уни ривожлантириш омиллари каби масалаларни муҳокама қилишди.


Таъкидлаш ўринлики, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил июнь ойида «Республика аҳолисини ахборот-кутубхона билан таъминлашни ташкил этиш тўғрисида»ги Қарори асосида янги ахборот ресурсларининг ташкил этилиши соҳани ислоҳ қилиш йўлидаги муҳим қадамлардан бири бўлди. Тадбирда иштирокчилар айни пайтда болалар ва ўсмирлар кизиқишини аниқлаш, ахборот ресурслари (АРМ) ва мактаб кутубхоналари ишининг мониторинги каби мавзуларда фикр-мулоҳаза юритишди.

Бундан ташқари, анжуманда «Жадидларнинг маърифий фаолияти ва Шокиржон Раҳимий», «Алишер Навоий номидаги Ўзбеки-

стон Миллий кутубхонаси қошидаги Ёшлар ахборот ресурслар марказида ёшларнинг бўш вақтини ташкил қилиш шакллари», «Болалар китобхонлиги — маънавиятни шакллантирадиган асосий мезон», «Болалар китобхонлиги, Интернет ва электрон китоблар. Мактаб кутубхоналари ва АРМлар фаолиятида ишлатиладиган электрон ресурслар ва ўқув СД-дисклари», «Кутубхоначилик ишини ривожлантириш моделлари ва мактаб АРМларининг илғор иш тажрибалари» каби мавзуларда маърузалар тингланди.

Шунингдек, тадбирда Халқ таълими вазирилик тизимидаги ахборот ресурслари ва кутубхоналарнинг болалар ўқиши билан боғлиқ муаммолари муҳокама қилиниб, таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилди.

Сурайё МЕЛИКУЛОВА,
«Туркистон-пресс»

БОҒЛАРИМИЗ
ЧОРЛАМОҚДА

Истироҳат боғларида ҳаммамиз бўлганмиз. Унинг соя-салқин жойларида дам олганмиз. Истироҳат боғлари доимо бизни ўзига чорлайди. Кувноқ аттракционларда яйраб болалик чоғларимизга бир он қайтгандек бўламиз.

Юртимиз Халқаро болалар кунини нишонлаш арафасида. Шу кунни ота-оналар фарзандлари билан истироҳат боғларида кун таассуротлари эса, ўхў олам жаҳон.

Хўш, шахримиздаги истироҳат боғлари болаларни кутиб олиш қандай хозирлик кўрмоқда? «Мирзо Улуғбек» номидаги маданият ва истироҳат боғининг бадий раҳбари Дилафруз Муҳиддинова шундай дейди: Яқинда истироҳат боғимиз қайта таъмир-

ланди. Тўрт турдаги янги аттракционларни ишга туширдик. Соя-салқин жойларни кўпайтириш мақсадида турли хил гуллар ва дарахтлар ўтқаздик. Хайрия асосида кўзи оқиб болаларнинг мактаб-интернатлари, кам таъминланган оила фарзандларига 200 дан ортиқ махсус чипталар тарқатдик. Улар аттракционлардан бепул фойдаланадилар. 1 июнь — Халқаро болаларни ҳимоя қилиш куниди «Биз — тинчлик болаларимиз», «Болалар — бахтли келажакимиз», «Юрт фарзандлари — Ватан келажак» концерт-дастурларини ва «Боғимизда кичкинтойлар» номли асфальтга расм чиқиш тадбирларини ўтказишни режалаштирганмиз».

Қизгин тайёргарликлар кетаётган маданият ва истироҳат боғи бугун хар галгидан ўзгача қиёфада болаларни ўз бағрига чорламоқда.

Эътиқод ОТАКУЛОВА,
ЎзДЖТУ талабаси

Авесто ўғитлари

ТАФАККУРИМИЗНИ
БОЙИТАДИ

Халқимиз тарихида битилган ва бевосита она табиатга бағишланган китобларнинг ҳаммаси ҳам бизнинг давримизга етиб келмаган. Лекин уларнинг айримларидаги панд ва ўғитлар халқ онгида сақланиб қолган ва мақолга айланиб кетган.

Марказий Осиё халқларининг энг қадимий Зардуштийлик динининг «Авесто» китобида ер, сув, ҳаво, олов муқаддаслаштирилган. Ер, сув, ҳавони булғаш, ифлослантириш энг оғир гуноҳ ҳисобланган. Асарда Ахурамазда «...ерга яхши, соғлом уруғларни сепишдан ортиқ савоб иш йўқ...» дейди. Худои таолонинг бу айтганларига амал қилиш, 10 минг марта ибодат этиш ёки юзлаб жониворни худо йўлига қурбонликка сўйишдан афзалроқ ҳисобланган.

Ахурамазда ерга экин экишни ердаги ёвузликларга барҳам беришдан иборат, деб ҳисоблайди. Башоратлардан бирида «Олам гўзаллиги деҳқондан, деҳқончиликдан, кимки ерга уруғ қадабди, у одамийликка имон келтиради, ягона шу йўлга ҳақиқатан бўлиб, қолгани саробдир» дейилади.

Ахурамазда қўриқ ва бўз ерларни ўзлаштириш, уни жамоа ўртасида адолатли тақсимлашни энг савобли ишлардан деб ҳисоблайди. Ундан кейин савобли иш эса, озиқ-овқат тайёрлаш, уй ҳайвонлари ва чорва молларини кўпайтиришдан иборат бўлган. Зардушт худо номидан ҳукмдорларга қарата бундай дейди: «Ёмон овқатланган халқ на яхши, кучли ишловчиларга ва на соғлом, бақувват болаларга эга

бўлади...Ёмон овқатланган одоб-ахлоқ ҳам айниб кетади. Агар нон мўл-кўл бўлса, муқаддас сўзлар ҳам яхши қабул қилинади». Бир қарашда оддийгина кўринадиган бу сўзларда жуда катта фаолият маънолари, тарбиявий ўғитларда она заминга, деҳқончиликка, хунармандчилик, чорвачилик, ватан ва халққа улғур муҳаббат руҳи марказий ўринни эгаллайди. Бундан биз зардуштийликнинг Наврўз, Рўза, Меҳр ва бошқа барча маросимларида очик-ойдин кўраимиз.

Дарҳақиқат, Она табиатимизни асраб-авайлашда аждодларимиз қолдирган тажрибалар, панд-насихатлар бугунги кунимиз учун ҳам қадрлидир. Баҳор фасли яратиш-яшатиш фаслидир. Манзарали ва мевали кўчлар экиш, боғроғларни кўпайтириш, анвойи гуллар экиб кўнгилларни обод этмоқдан савобли иш йўқдир. Табиатни асраш, унинг бойликларидан оқилона фойдаланиш умуммиллий вазифалардан бири ҳисобланади.

Хулоса шуки, қайси давр, қайси дин, қайси эътиқод ҳукмронлигидан катби назар, индизлар ҳаммиса инсон қалбидан сув ичади.

Шахноза АНДАЕВА,
1-Республика тиббиёт коллежи ижтимоий-сиёсий фанлар кафедраси мудири

Муқаддас она заминимизда ўсаётган гиёҳлар 7000 турга яқин бўлса, биолог олимларимиз, академиклар Собир Юнусов, Ёлқин Тўрақулловлар таботат илмининг бобокалони Абу Али ибн Сино анъаналарини давом эттириб, 6000 дан зиёдроқ шифобахш гиёҳларни аниқлаб, хусусиятларини талқин қилиб бердилар. Ҳозирда улардан халқ таботати амалиётида, фармацевтикада, инсон саломатлигини тиклашда, турли касалликларни даволашда дори-дармонлар тайёрланапти.

Она замин саховати

ЛИМОН ЎТИ — КОНИ ФОЙДА

Дарвоқе, виторли қорли тоғлар ёнбағрида, файзли далаларда ўнлаб шифобахш гиёҳлар ўсади-ю кўпчилик уларнинг юз дардга даволигини билмаслиги мумкин. Шулардан бири лимон ўтидир.

Ўнлаб дардлардан форигъ эстадиган шифобахш гиёҳ — лимон ўти кони фойда бўлиб, ажойиб муъжизадир.

Лимон ўти — мелисанинг асли Ватани Жанубий Евро ва Шимолӣ

Африка бўлгани билан мазкур шифобахш усимлик Ер кўррасининг деярли барча мамлакатларида, шу жумладан, Ўзбекистонга ҳам тарқалиб кетган.

— Мелисса — лимон ўти таркибиде катта миқдорда витамин С бўлиб, турли касалликларнинг олдини олишда муҳим малҳамдир. Бошқача айтганда, у иммунитетни кўтариб, имунал ҳалдори ўрнини босади, —

дейди доришунос олима, профессор Санъат Азизова.

Халқ таботатида лимон ўтидан бош оғриги, мигрен, невроз, бош айланиши, кўз тиниши, гипертония, атеросклероз, ичкотиш, метиоризм, гемморрой, подагра, камқонлик каби бир қатор дардларни даволашда фойдаланилади. Табибларнинг айтишларича сувга бир ош қошиқ мелисса дамламасини со-

либ кейин уни 2 қават доқадан ўтказиб ичакка юборганда ички равон қилиб, фалаж, инсулт каби касалликлардан халос этган.

Ҳа, лимон ўти — кони фойда. Она заминимизнинг шифобахш гиёҳи. Унинг фойдали хусусиятларини билиб қўйсак албатта бир кун асқотади.

Турсунхўжа
АЗЛАРХОНОВ,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ўқитувчи

ҲАР ТЎҒРИДА

• Амазонка бўйларидаги анаконда илонларини қандай овлашларини биласизми? Балки уларга қопқон қўйилар, балки чоқ қазилар деб ўйларсиз? Асло ундай эмас. Ажабки, анакондаларни овлаш учун энг саривқомат ва гўзал, ноз-ишвалари билан ақлини шошилтирадиган аёллардан фойдаланишар экан. Аёллар бу улкан илон инлари олдида бориб, солланиб туради, илон инидан чиққанда эса нозларини бошлайди. Қарангки, эркак кишини кўрганда бешафқат ҳужум қиладиган анакондалар гўзал хонимлар қарши-сида «тиз чўқар», эшилиб тўлғонаркан. Аёлларга ўралиб, «маст» бўлган илонларни овчилар осон тўтиб олишар экан.

• Португалиялик Антони Гомеш исмли йигит йигирма соату ўн бир дақиқа кимирламасдан тек қотиб туриб, кўпчиликни ҳайратга солди. Унинг бу ишини кузатган томошабинлар уни «Тирик ҳайкал» деб алқаб, олқашлаганлар.

• «LEGO» компаниясида «LEGO» ўйинларини «профессионал йигувчи» деган лавозим бор. Улар машҳур конструкторнинг қисмларидан бутун бошли манзараларни яратадилар.

• Хиндистоннинг Рожастхон музофотидаги «Аманбаһ» меҳмонхонасида «маймунчи» лавозими мавжуддир. Маймунларни овқатланаётган сайёҳлар олдида хайдаш унинг вазифасига қиради.

ЎТТАН КУНИ Саудия
Арабистонида «Ал-Иттифоқ» — «Пахтакор» жамоалари ўртасида уюштирилган учрашув билан Осиё чемпионлар лигаси ва Кубоги нимчорак финал баҳслари якунланди.



Футбол

ЖАМОАЛАРИМИЗ — ЧОРАК ФИНАЛДА

Шуни таъкидлаш жоизки, майдонга фақат галаба қозониш иштиёқида таҳрир пахтакорчилар маҳорат бобиде мезоблардан устунлик қилишди. Очигини айтганда «Ал-Иттифоқ» жамоаси шу кунгача ўз майдонидаги учрашувларда хали мағлубиятга учрамаган, ақсинча меҳмонлардан доим очко тортиб олганлигини ҳисобга олади-ган бўлса, Виктор Жалилов шоғирларининг жиддий рақибга дуч келишгани аён бўлади.

Дарҳақиқат, дастлаб тенг курашлар остида кечган баҳс мобайнида биринчи голни Нестеров дарвозасига мезонлар

кириштирди. Ушбу гол пахтакорчиларни янада уюшқоқ ва ҳамжиҳат ҳаракат қилишга, ташаббусни ўз томонига оғдиришга даъват этди чоғи, устунлик тошкентликлар тарафига ўтди. Мезонлар дарвозаси томон уюштирилаётган ҳавфли ҳужумлар, чиройли комбинациялар самара бериб, учрашув охирида авваллига Зайниддин Тожиев аниқ зарба билан ҳисобни тенглаштирди. Баҳс якунланишига санокли дақиқалар қолганида Гейрих томонидан киритилган иккинчи гол «Пахтакор»га 2:1 ҳисобидаги ажойиб галабани тақдим этди.

Эронда «Перуза» жамоаси мезони бўлган амалдаги Ўзбекистон чемпиони «Бунёдкор»га ҳам омад кулиб бокди. Учрашув мобайнида Ривалдо томонидан пенальтидан киритилган ягона гол «Бунёдкор»нинг 1:0 ҳисобидаги галабасини таъминлади.



Бош муҳаррир
Акмал АҚРОМОВ

Манзилимиз: 100029,

Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР:

Эълонлар: 233-28-95,
236-57-65. факс: (371) 232-11-39.

Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба
ва жума кунлари чиқади.

Нашр кўрсаткичи — 563

ISSN 2010-9229

Газета Тошкент шаҳар
Матбуот ва ахборот
бошқармасида 02-1-рақам
билан рўйхатга олинган.

Ҳажми — 2 босма табоқ,
офсет усулида босилади.
3752 нусхада босилади.
Қўроғ бичими А-2

Нашри етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимига ёки «Тошкент почта»га — 233-74-05 телефониغا мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета «Тошкент оқшомининг» компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

«Шарқ» нашриёт-матбوعа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.

156